БУГУН - КОНСТИТУЦИЯ КУНИ. БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Газета 1997 йил 27 августдан чиқа бошлаган

1999 йил, 8 декабрь, чоршанба # 49 (113)

МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ДАСТУРИ



Биз XXI аср бўсағасида — янги буюк ўзгаришлар, жамиятимизнинг янгиланиши ва қудратли тараққиёти бўсағасида турибмиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва ислоҳотлардан асосий мақсад юртимизнинг янада ривожланиши, халқимизнинг фаровонлиги, жаҳон ҳамжамиятидан ўзимизга муносиб ўрин эгаллашдир.

Бу стратегик ва дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда биз мамлакатимизнинг ички ва ташқи аҳволини танқидий кўз билан чуқур таҳлил қилиб, ўз сиёсий, иқтисодий ва маънавий тараққиётимизнинг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишимиз зарур.

Бу устувор вазифалар нималардан иборат?

Биринчи устувор вазифамиз — иқтисодиётимизнинг изчил ўсиши ва самарадорлигини ошириш, демократик бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш асосида халқ турмуш даражасининг барқарор ва узлуксиз яхшиланиб боришини таъминлаш зарур. Бу борада кам таъминланган, муҳтож оилалар ва одамларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу мақсадда яқин беш йил давомида:

— иш ҳақининг энг кам миқдорини 3,5 баробар ошириш. Шу билан бирга аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромадни 1,8-2,0 баробар кўпайтириш;

— миллий пулимизнинг қадрсизланишига қарши қатъий чораларни кўриш ва шулар ҳисобидан одамларнинг реал (амалдаги) даромадини мунтазам ошириш;

— давлат томонидан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳажми ва миқдорини кўпайтириш билан бир вақтда ҳақиқатда ёрдамга муҳтож бўлган оилаларга эътиборни кучайтириш;

— бундай эзгу мақсадларни амалга оширишда ва ажратилган маблағларнинг самарасини оширишда маҳалла жамоатчилигига кенг миқёсда суяниш;

— ногиронларни тўлақонли фаол ҳаётга қайтариш, шунингдек, ногирон болаларни тиббий-ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида 2005 йилгача бўлган давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— ишсизлар ва ортиқча ишчи кучларини биринчи навбатда қишлоқ жойларда банд қилиш мақсадида меҳнат бозорини шакллантириш, хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Бу ишга чет эл сармоялари ва ички имкониятларни кенг жалб этиш;

- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аввало қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш давлат дастурининг бажарилишини якунига етказиш, 2005 йилга қадар ичимлик сув билан таъминлаш миқдорини 85 фоизга, табиий газ билан таъминлашни эса 82 фоизга етказиш;

— соғлиқни сақлаш ва экологик хавфсизлик соҳаларида қабул қилинган дастурни ҳаётга жорий этиш масалаларини қаттиқ назоратга олиш.

Биз бу ўта муҳим ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун аввалambor ислоҳотларимизнинг **иккинчи асосий устувор йўналиши** бўлмиш сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратган тақдирдагина муваффақиятли ҳал этишимиз мумкин.

Сиёсий соҳани эркинлаштириш борасида: аввалambor, аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарур.

Демократиянинг энг муҳим тамойили - одамларнинг сайлов ҳуқуқини, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш лозим.

Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш масаласи ҳам катта аҳамият касб этади. Бу борадаги асосий вазифалар - ҳокимият барча тармоқларининг бир-биридан мустақил ҳолда иш юритиш тамойилларини мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини нодавлат ва жамоат ташкилотларининг конституциявий ваколатларини мустақил амалга оширишлари;

(Давоми 2- бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АБДУЛҲАФИЗ МАРАҲИМОВИЧ ЖАЛОЛОВНИНГ ДАСТУРИ



Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг барча амалдаги қонунларига содиқлик, уларнинг изчил амалга оширилиши ва мамлакат фуқаролари ҳуқуқлари ҳамда эркинликларининг рўёбга чиқиши йўлида сидқидилдан хизмат қилиш.

Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, мамлакатда демократияни - кучли фуқаролик жамияти ва унга монанд давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви тизимини изчил қарор топтириш, шунингдек, Ватанимизнинг илғор жаҳон ҳамжамияти давлатлари ўртасида муносиб ўрин эгаллаши манфаатларидан келиб чиқиб, қуйидагиларнинг бажарилишини, биринчи галдаги вазифалар сифатида, амалда таъминлаш:

Сиёсий соҳада

— давлат ҳокимиятини халқнинг бевосита ва унинг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари тимсолида, билвосита назорати остида бўлиши;

— давлат ҳокимияти вакиллик идораларини, асосан, халқ томонидан, сиёсий партиялардан, сайлаб қўйиладиган депутатлар таркибидан иборат тарзда шакллантириш;

— сиёсий партиялар жамиятдаги мавқеининг, уларнинг намояндалари томонидан давлат ҳокимияти вакиллик идораларида, сайловлар натижасида, эгаллаган ўринларидан келиб чиқиб, фарқланиши;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини қонунийлик, партиявий масъулият, назорат ҳамда кафолат асосида қуриш;

— давлат ҳокимиятининг учта - қонунчилик-вакиллик, ижроия, суд тармоғи ва уларнинг марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий идораларининг ўзларининг

— фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идораларининг, ўзларининг қонунларда белгиланган ваколатларини бажаришдаги, чинакам,жумладан, молиявий-иқтисодий мустақиллиги;

— оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини янада кучайтириш, пировард натижада, уларнинг масъулиятини фақат қонунлар доираси билан чекланган бўлишлиги;

— энг оддий фуқаронинг овози жамиятда баралла эшитилиши, унинг катта сиёсатга таъсир эта билиш имкониятларининг мавжудлиги;

— барча давлат идоралари, уларнинг мансабдор шахслари томонидан қонунларга сўзсиз итоат этишнинг, бундан ҳеч ҳам бўйин товлай олмасликларининг жиддий (етакчи, идора этувчи ва мухолиф сиёсий партиялар фаолиятини тақозо этувчи) мурватларини яратиш;

— жамоат ташкилотлари барча кўриниш ва шаклларининг, халқ оммаси ташкилий уюшқоқлиги тимсоли сифатида, жамият ва давлатни бошқаришдаги фаол иштироки;

— кўзланаётган барча олижаноб мақсадларга эришишнинг қонуний-ҳуқуқий негизларини яратиш, уларни мунтазам такомиллаштириш ва ҳ.к.

Иқтисодий соҳада

— иқтисодий эркинликнинг шахс, инсон ҳурлиги барча шакл-шамойилларининг дастлабки, туб, ҳал қилувчи асоси бўлишлиги;

— ҳар бир фуқаронинг мулк, унинг шаклидан қатъи назар, соҳиби бўлиш ҳуқуқини рўёбга чиқиш имкониятининг воқелиги;

— кўзланган ҳамма ижтимоий-фойдали ниятларга етишиш, вазифаларни уддалашда булардан ҳар бир кишининг шахсий манфаатдорлигининг ҳисобга олиниши;

— ишлаб чиқарувчиларнинг ўз фаолият тури, унинг натижасида етиштирилган маҳсулотни сотиш бўйича нархнавони мустақил белгилаш ва ундан келган даромадни, фойдани, ўз хоҳишига кўра, тасарруф этиш эркинлиги;

— кичик ва ўрта бизнесни кенг миқёсларда ривож топтириш;

— товарлар ва капиталнинг мамлакат ичида эркин ҳаракат қилиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолият эркинлиги (амалдаги қонунларда кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно);

— иқтисодий ҳаётга оид ишончли ахборий хизмат тизимини жорий қилиш;

— солиқ сиёсатини ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантирувчи омилга айлантириш;

— давлат ҳокимияти, бошқаруви ва

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВНИНГ ДАСТУРИ

(Бошланиши 1- бетда)

рига, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказа бориш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза этиш.

Иқтисодий соҳани янада эркинлаштириш мақсадида биринчи навбатда, давлат бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликлари ва ҳуқуқларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнес ривожланишига ҳар томонлама кўмак бериш, шу билан бирга, бозор инфратузилмасини кенг ривожлантириш лозим.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масаласини доимий диққат марказида тутиш, бу соҳада белгиланган ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурини тўла миқёсда амалга оширишга эришиш, энг муҳими, ерни ҳақиқий эгасига топшириш ва меҳнаткаш деҳқоннинг ўз меҳнати самарасидан тўлақонли фойдаланиши учун зарур шарт-шароит яратиб бериш.

Учинчи устувор йўналиш — жамият маънавиятини янада юксалтиришдан иборат. Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи олдимизда турган энг долзарб вазифадир.

Бошқача айтганда, биз ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбияламоғимиз керак.

Ёшлар сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариш, ёш оилаларга ёрдам кўрсатиш, аёлларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини ошириш борасидаги ишларни давом эттириш лозим.

Шу мақсадда жамиятимизнинг маънавий-маърифий юксалишига муносиб ҳисса қўшаётган ташкилот ва муассасаларда хизмат қилаётган инсонларни, аввало мактаб, лицей, коллежлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва домлаларини, илму фан соҳасида ишлаётган илмий ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларга керакли моддий шароит туғдириб бериш кўзда тутилади.

Тўртинчи устувор йўналиш — кадрлар масаласи. Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммоларни ечиш зарурияти туғилмасин, гап охир-оқибат, барибир кадрларга ва яна кадрларга бориб тақалади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимизнинг келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боғлиқ.

Ўсиб келаётган навқирон авлод, азиз фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг қувончимиз, таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз, деган шиорни амалда рўёбга чиқаришни таъминлашимиз даркор.

Бешинчи устувор йўналиш — бу иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлашдир.

Мазкур ўзгаришлар корхоналарни янгилаш ва техник қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг бой табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан тўла ва самарали фойдаланишга, экспортга мослашган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватларни барпо этишга қаратилмоғи даркор.

Олтинчи устувор йўналиш — жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини, мамлакатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашдан иборат.

Шу муносабат билан мен Ўзбекистон бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли асосда шериқчилик қилиш, барча можаро ва муаммоларни фақат тинч сиёсий ва ҳуқуқий воситалар билан ҳал этиш тарафдори эканини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Биз янги аср бўсағасида, янги буюк ишлар олдида турибмиз.

Сиз билан бизнинг вазифамиз давр олдимизга қўяётган барча талабларга муносиб жавоб қайтаришдир. Истиқболимизни аниқ ва равшан тасаввур этиб, халқимизга тинч ва фаровон турмушни таъминлашдир, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаб олишдир.

Мен учун Ватан озодлиги, халқимнинг омонлиги, юртимнинг равнақи, мана шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир оиланинг фаровонлигидан бошқа олий саодат йўқ.

Шу олижаноб, мард ва меҳнаткаш, бағрикенг халқимизнинг бугуни ва ёруғ келажаги йўлида садоқат билан хизмат қилиш - ҳаётимнинг маъноси, умримнинг мазмунидир.

(Дастурнинг тўлиқ матни Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» рисоласида баён этилган)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД АБДУЛҲАФИЗ МАРАҲИМОВИЧ ЖАЛОЛОВНИНГ ДАСТУРИ

(Бошланиши 1- бетда)

мансабдор шахсларнинг ишлаб чиқарувчилар хўжалик фаолиятига ғайриқонуний аралашувига йўл қўймаслик;

— давлат ҳокимияти ва бошқаруви барча даражалардаги идораларининг, бозор муносабатларини инсоний, ижтимоий йўналиш ўзанларида ривож топиши заминларини яратишдаги аҳамиятини ошириш чораларини кўриш;

— бозор муносабатларининг иқтисодий демократия сифатидаги ривожланишига қаратилган қонунларни қабул қилиш, уларни муттасил ривожлантириб бориш ва ҳ.к.

Ижтимоий соҳада

— адолатни қарор топтириш чораларини изчил рўёбга чиқариш;

— аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ҳолатига эришиш;

— ишсизликни барҳам топтириш;

— меҳнатнинг инсон шахсини рўёбга чиқариш, унинг иқтисодий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришдаги ҳал қилувчилик аҳамиятини ошириш;

— аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқ муҳофаза этиш, жумладан уларнинг пулнинг қадрсизланиши оқибатида даромадларининг пасайишини, энг кам иш ҳақи ва меҳнат пенсиялари ҳажмларини тегишли даражада индексациялаш орқали, оқилона қоплаш;

— жамиятда болалар, ёшлар, хотин-қизлар мавқеини жиддий кўтаришнинг амалий чора-тадбирларини кўриш;

— тиббий ёрдамнинг барча учун мақбул шаклларини вужудга келтириш;

— жамиятда ижтимоий муҳофаза тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этувчи жисмоний ва юридик шахсларни рағбатлантиришнинг иқтисодий-ҳуқуқий шароит ҳамда заминларини яратиш;

— порахўрлик, тўрачилик, таъмагирлик каби барча салбий иллатларнинг пайини қирқиш;

— мулкдорлар синфи, ўрта синфнинг фаол шаклланиши муҳитини вужудга келтириш;

— юқоридагиларнинг ҳаммасини жамиятдаги ижтимоий ва миллатлараро бирдамликни мустаҳкамлашнинг жиддий омилларига айлантириш;

— ижтимоий муносабатларни инсоний негизларда ривожланишининг қонуний-ҳуқуқий пойдеворини муттасил яратиш ҳамда ривожлантириб бориш ва ҳ.к.

Маънавий соҳада

— жамиятни, миллий яхлитлик ва халқнинг ижтимоий муштараклигини инсон шахси баркамоллигига эришишнинг макони, воситасига айлантириш;

— жамиятда миллий, шарқона ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига ҳамда уларга риоя қилинишига эришиш;

— ислом дини ва бошқа динларнинг тарбиявий аҳамиятини эътироф этган ҳолда, улардан ғаразли мақсадларда фойдаланилишига йўл қўймаслик;

— тарихга, миллий-маданий, маънавий меросга ҳурмат руҳини қарор топтириш;

— илм-фан, таълим ва маърифатнинг, шунингдек, мазкур соҳаларда меҳнат қилувчи олим, мураббий ва тарғиботчиларнинг ижтимоий мавқеини бекиёс кўтариш;

— барча фуқароларни умумжаҳон, шарқ халқлари ва миллий маданият дурдоналари, ютуқларидан баҳраманд қилиш имкониятларини муҳайё этиш;

— маънавият, ақл-заковат ва билимлиликнинг ҳамма соҳаларда раҳнамо бўлишлиги ҳамда ҳар бир кишининг бундай фазилатлар соҳиби эканликдан шахсан манфаатдорлик муҳитини вужудга келтириш ва ҳ.к.

Ташқи сиёсат ва миллий хавфсизлик ҳамда мудофаа соҳасида

—Ўзбекистоннинг барча узоқ ва яқин, хусусан, Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан миллий манфаатларимизга мос, ўзаро фойдали ҳамкорлигини янада ривожлантириш;

— минтақа ва жаҳонда тинчлик ҳамда барқарорлик учун зарур саъй-ҳаракатларни доимий равишда амалга ошириш;

— мамлакатнинг ҳудудий яхлитлиги ва халқнинг осойишталигини асраб-авайлашга, уларга зиён етказишга йўл қўймайдиган даражадаги, махсус тайёргарлик ҳамда замонавий ҳарбий техника, аслаҳага эга Қуролли Кучлар, миллий хавфсизлик ва ички хизмат тизимларининг узлуксиз шайлиги ва ҳоказо.

***

Юқоридагилар, уларнинг амалий ижроси, асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, бутун халқининг фаровонлигига, Ватанимизнинг гуллаб-яшнашига, унинг азалий шон-шуҳратининг қайта тикланишига ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини яқинлаштиришга хизмат қилади, деб ишонамиз.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ўз ваколатларини ҳар қандай давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда, фақат қонунга бўйсуниб амалга оширадилар.

Прокурорлар ўз ваколатлари доирида сиёсий партияларга ва сиёсий мақсадларни кўзловчи бошқа жамоат бирлашмаларига аъзоликни тўхтатиб турадилар.

Прокуратура органларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартиби қонун билан белгиланади.

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 120-моддаси)

«Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетасига 2000 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна индекслари:

«Қонун ҳимоясида» – 231; 232.

«Ҳуқуқ» – 839; 840.

Нашрларимизга республикамизнинг барча алоқа тармокларида обуна бўлиш мумкин.



• *Тадбир*

КОНСТИТУЦИЯ КУНИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси прокуратурасида Конституция кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда маъруза қилган Бош прокурор ўринбосари, Республика ҳарбий прокурори Баҳодир Деҳқонов Асосий қомусимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз бахт-саодатини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашдаги тарихий аҳамиятига тўхталиб, бу тамойилларни рўёбга чиқаришда прокуратура ходимлари олдинги сафда бораётганини таъкидлаб ўтди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг саккиз йиллиги муносабати билан Президентимизнинг 1999 йил 25 августдаги Фармонига асосан ишда ўзини кўрсатган бир гуруҳ прокуратура ходимлари муносиб тақдирланган эдилар. Йиғилишда Республика Бош прокурори Усмон Худойқулов мазкур прокуратура ходимларига Ватаннинг юксак мукофотларини топширди.

Суратларда: мукофотларни топшириш пайти.

Р.ШАРИПОВ суратлари





• *Конституция ва демократик сайловлар*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар муваффақиятли якунланди. Сайлов кампанияси даврида нафақат ўзбек халқи, нафақат ёш мустақил давлатимиз, балки демократиянинг юртбошимиз Ислом Каримов асос солган ўзбекча модели ҳам катта синовдан ўтди.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг янги тарихига дахлдор бу сиёсий жараённи бошидан охиригача кузатиб борган халқаро ташкилотларнинг вакиллари, чет давлатларнинг мамлакатимиздаги элчихоналари дипломатия корпуси, хорижий журналистлар ва сайловларнинг халқаро андозаларга мувофиқ ўтишига бевосита масъул бўлган халқаро кузатувчилар ҳам буни бир овоздан эътироф этдилар.

Азимжон ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокурорининг биринчи ўринбосари,
3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ ТАНТАНАСИ

Фуқароларимиз Олий ҳокимият органига муносиб номзодларни танлаб олиш даврида Бош Қомусимиз - Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида кафолатланган олий мақсадият - сайлаш ва сайланиш ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашнинг имкониятлари ниҳоятда кенглигига амалда ишонч ҳосил қилдилар.

Тарихда шундай воқеалар бўладики, жамият ғоят қисқа даврда юз йилларга татигулик юксалиш жараёнини бошидан кечиради. Бизнингча, ўтган сайловлар даврида халқимизнинг сиёсий онгида ва дунёқарашида жуда катта юксалиш рўй берди. Давлат ва жамият, жамият ва фуқаро, шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг фақат мустақиллик туфайли рўёбга чиққан уйғунлиги бутун бўй-басти билан намоён бўлди. Бугунги фуқароларимизни, айниқса, ёшларимизни аввалги сайловларда қатнашган сайловчилар билан асло тенглаштириб бўлмайди. Аҳолининг турли қатламлари кейинги уч ой ичида нисбатан жуда тез фаоллашди. Шахс менталитетида ўз келажагига, фарзандлари тақдирига, юрт истиқболига масъуллик ҳисси юксалди. Буни буюк уйғониш билан қиёслаш мумкин.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган бешта партия муқобиллик асосида депутатлик ўринлари учун ўзаро беллашди.

Ҳокимият органлари вакиллари ва дунё сайлов тажрибасида тамомила янгилик бўлган ташаббускор гуруҳларнинг мустақил номзодлари ҳам парламентда кўпроқ ўз вакилига эга бўлиши учун очиқ-ошкора курашга киришдилар. Бир округдан 5-6 тагача номзод ошкора ўзаро беллашди. Оддий сайловчилар учун муносиб номзодларни танлаб олишнинг кенг имкониятлари вужудга келди. Халқимиз бу имкониятдан етарли даражада фойдаланиб, интеллектуал салоҳияти баланд, юксак маънавиятли ва ташаббускор номзодларга овоз бериб, келгусида жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда билвосита қатнашиш учун ваколатларни қўлга киритди, дейишимиз учун ҳамма асос бор. Чунки уч кун бурун бўлиб ўтган сайлов ҳаяжонлари туфайли жаранглаб эшитилаётган ушбу хулоса Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида қуйидагича баён этилган:

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади».

Асосий қонунимизнинг 60-моддаси эса халқнинг сиёсий ҳоҳиш-иродаси имкониятларини ушбу сайловларда ўзини алоҳида намоён этган кўппартиявийлик позициясидан туриб шундай кафолатлайди:

«Сиёсий партиялар турли табақа, гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар».

Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш бизнинг олий мақсадимиздир. Бу жамиятда буйруқбозлик тизими эмас, балки қонун устувор бўлади.

Сайловолди кампанияси номзодларни танлаш, ўзаро ошкора рақобатда ғолиб бўлиш учун кураш жараёни ана шу мақсадга эришишнинг конституциявий йўли қандай бўлишини кўрсатиб берди. Энг аввало, амалда ишлайдиган, тараққиёт ғилдирагини олға силжита оладиган, ҳаракатчан қонунлар қабул қилиниши керак. Шунинг учун бундай қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилишда иштирок этадиган депутат кенг қамровли билим соҳиби, етук ва ҳар жиҳатдан салоҳиятли инсон бўлиши шарт!

Ушбу талабдан келиб чиқиб кўприк қуриш, газ ўтказиш ёки сув чиқаришга масъул ҳокимлик вакили билан улуғ даргоҳ - парламент депутатининг вазифаси бир-биридан қатъий ажратиб қўйилган. Бу ташаббус юқоридан эмас, балки қуйидан-сайловчиларнинг ўзидан чиқди. Бу сайловда илғор бригадир ёки машъал чўпон депутат ҳақида умуман гап бўлмаслигини ҳаммамиз аллақачон тушуниб етган эдик. Бироқ раҳбарлик қозонида қайнаб, етарли даражада мавқега эга бўлган айрим депутатликка даъвогарлар ҳам сайловчилар билан биринчи учрашувдан кейиноқ ўз номзодини қайтиб олишга мажбур бўлишди. Чунки бугунги сайловчиларнинг овози қатъий ва қаттиқ эшитилаётган эди. Уларни энди шакар ёки ун тарқатиш билан оғдириб бўлмайди. Бугун бир амаллаб депутатликка сайланиб олгани билан эртага бу овоз ундан берган ваъдаларини бажаришни талаб қилади ва агар сўзининг устидан чиқмаса, чақириб олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолаётганини ҳам яхши билади.

Маълумки, кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш ғояси биринчи марта Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган ва асослаб берилган эди. Юртбошимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан суҳбатида эълон қилинган бу ғоянинг моҳиятини жамият кучли ва ҳар жиҳатдан етук фуқаролари туфайли такомилга эришганда давлат ўзининг бир қатор функцияларини жамият зиммасига юклайди, деган муҳим хулоса ташкил этади.

Ўтган сайлов жамиятимиз учун ҳам, фуқароларимиз учун ҳам етукликнинг ўзига хос имтиҳони бўлди. Давлат эса фуқароларининг муҳим конституциявий ҳуқуқлари - сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини таъминлашнинг ташаббускори бўлди. Сиёсатшунослар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, ишбилармонлар, зиёлилар сайловчилар билан учрашувларда ўзлари мансуб бўлган партиялар ёки вакиллик органининг дастурига мувофиқ равишда мустақил ҳаракат дастурлари билан майдонга чиқишди.

Сайловларда 1242 та номзод депутатлик учун курашган бўлса, улардан муносиб ва мукаммал деб ҳисобланиб танлаб олиниши керак бўлган 250 та депутатнинг ҳаракат дастури асосида келгуси аср учун ишлайдиган парламентимизнинг баркамол салоҳиятини бемалол тасаввур этиш мумкин.

Марказий сайлов комиссиясининг маълумотига қараганда айрим округларда етарли овоз тўпланмагани туфайли такрорий овоз бериш орқали депутатлик учун кураш давом эттирилмоқда. Бу ҳам Конституция ва қонунларда белгиланган.

Яна қонунда белгиланган, лекин аввалги сайловларда ҳеч кузатилмаган бир янгилик - маълум сабаблар билан номзоди рўйхатга олинмай қолган айрим фуқаролар ўз ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятидан ҳам фойдаландилар. Бунинг учун уларга ҳамма шароитлар яратиб берилди.

Сайлов тантаналари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 7 йиллик байрами ва мамлакатимизда кечаётган яна бир катта сиёсий воқеа Президентлик сайловига уланиб кетди. Марказий сайлов комиссияси «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Абдуғаниевич Каримов ва Халқ демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Абдулҳафиз Мараҳимович Жалолов номзодлари рўйхатга олинганлигини эълон қилди.

Эл нетиб топгай мени, мен ўзимни топмасам, деган экан буюк Алишер Навоий. 2000 йил 9 январда бўладиган Президент сайловида халқимиз Ўзбекистон мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлашда, ёш давлатимизни дунё ҳамжамиятига олиб чиқишда ўзини кўрсатган ва эътироф этилган, мамлакат ободлиги, эл-юрт фаровонлиги йўлида жонини ҳам аямайдиган фидойи инсонни давлатимиз раҳбари лавозимига сайлашига ҳаммамиз ишонамиз.

Республика прокуратураси идоралари бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда сайлов даврида юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш учун ҳамма чорани кўрдилар.

Сайловчилар ва сайланувчилар конституциявий ҳуқуқларининг тўла кафолатланиши диққат-эътиборимиздаги асосий масала бўлиб қолди. Демак, сайловнинг муваффақиятли ўтишида прокуратура идоралари ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Мен Республика прокуратураси раҳбарияти номидан ҳамкасб дўстларни, газетхонларни Конституция куни билан чин дилдан табриклайман.

Ишонаманки, Республика прокуратураси идоралари ходимлари ўз бурчига содиқ қолиб, Президент сайловининг ҳам зўр уюшқоқлик ва кўтаринки рухда ўтиши учун қўлидан келган ҳамма ишни қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъий назар, ҳамма учун тенгдир.
Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.
Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.
(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси)

• *Қиёс*

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ — БАХТИМИЗ КАФОЛАТИ

Одамзод яратилибди-ки, маълум қонун-қоидалар асосида умргузаронлик қилади. Агар қонун-қоидалар бўлмаса, одамзод ҳам ҳайвонот дунёсининг қирилиб кетган баъзи бир вакилларидек ер юзидан бутунлай йўқолиб кетган бўлармиди?! Аммо Илоҳий таълимот бўйича, Аллоҳ одамни ер юзида халифа қилган. Сўнгги муҳлат келгунча, қиёмат қойим бўлгунча одамзод ер юзида бўлади. Фақат ўзининг шаккоклиги туфайли, қонун-қоидаларга бўйсунмаслиги туфайли одамларнинг маълум бир қисми ер юзидан изсиз йўқолиб кетиши мумкин. Зеро, таълимотларни тан олмаслик, маънавий таназзул инсоният боши устида ялонғочланган қиличдир. Ялонғочланган қилич хавфини даф этувчи куч эса илоҳий ва дунёвий қонун-қоидалар мажмуасидир. Кўкдан нозил қилинган тўртта Илоҳий Китоб илоҳий қонун-қоидалар мажмуаси бўлса, халқ томонидан қабул қилинган қонунлар мажмуаси Конституциялардир.

Маълумки, Октябрь тўнтарилишига қадар Ўзбекистон ҳудудида шариат қонунлари амалда бўлган. Улар қанақа қонунлар ва умуман «шариат» сўзи қандай маънони англатади, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Кўпгина олимлар «шариат» сўзини «Аллоҳ таоло томонидан нозил этилган қонунлар мажмуаси» деб изоҳлайдилар. Тўғри гап, аммо бу сўз Ислом дини нозил этилмасдан аввал ҳам араб тилида бўлган ва у «кум барханлари оша қудуқ, кўл ёки умуман сув, яъни нажот томонига элтадиган кенг, равон йўл» деган маънони англатган. Арабистоннинг чексиз-чегарасиз қум саҳролари оша кетаётган одам «шариат»дан (тўғри йўлдан) адашса ҳоли не кечиши тасаввур қилинди. Қуръони каримда бир оят бор. Унда тахминан шундай дейилади: «Сўнгра Биз сени дин ишларида бир шариа (тўғри йўл) устига келтирдик; шу йўлдан юр ва билмайдиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашма» (45:18). Шу ояти каримга асосланадиган бўлсак, шариат Аллоҳ таолонинг ўз бандалари учун нозил қилган йўл-йўриқлари мажмуасидир. Жаннат иқболидан умидвор бандалар шу қонун-қоидаларга амал қиладилар, кибр қилиб, «билмайдиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашганлар» эса икки дунёсидан маҳрум бўлиб, изсиз йўқолиб кетадилар.

Энди дунёвий қонунларга бир назар ташлайлик. Асосий Қонунимизда «Ўзбекистон - суверен демократик республика», деб ёзиб қўйилган. Бунинг маъноси шуки, Ўзбекистон - дунёвий давлатдир. «Конституция» сўзининг асл маъноси эса маълум бир давлатнинг ижтимоий ва давлат тузумини, сайлов тизимини, давлат органларининг ташкил этилиши ва фаолиятини, фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилаб берувчи асосий қонун деганидир. Шундай экан, бизнинг Асосий Қонунимиз Ўзбекистоннинг барча фуқаролари «жинси, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар» изчил амал қилиши лозим бўлган қонундир.

Маълумки, 1991 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари пактига аъзо бўлган эди. 1992 йилнинг 2 мартида эса Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Сўнгра ўша йилнинг охирига келиб, яъни 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Хорижлик қонуншунос олимлар Асосий Қонунимизни мукаммал конституция деб бежиз эътироф этишмаган. Зеро унда Инсон ҳуқуқлари декларацияси, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳужжатларида баён этилган, «кишиларни қийнаш, хўрлаш, уларга азоб бериш маън этилади», «барча кишилар озод, ҳурмат ва ҳуқуқда тенгдирлар», «ҳар бир киши яшаш, озодлик ва ўз шахсининг хавфсизлиги ҳуқуқига эга» сингари кўплаб моддалар ўз ифодасини топган. Конституциямизнинг иккинчи бўлим, 5-11 бобларидаги моддаларда кишиларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари, ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари ҳамда фуқароларнинг асосий бурчлари хусусида сўз юритилган бўлиб, бу ҳуқуқларнинг поймол этилиши асло мумкин эмас. Инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ўзини демократик давлат, деб ҳисоблайдиган ҳар бир давлатнинг асосий вазифасидир. Ўзбекистонда эса «давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи ўз ораларингиздан бўлган раҳбарларга бўйсунинглар». (4:59) Илоҳий ва дунёвий қонунлардаги ушбу мутаносибликларни бир-бирига муқояса қиламан ҳамда ҳурматли Президентимизнинг «Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деган гаплари бежиз эмаслигига яна бир бор амин бўламан. Илоҳий ва дунёвий қонунлардаги бу каби мутаносибликлар бир қанча. Сўзимнинг исботи учун яна бир мисол келтирай. Конституциямизнинг 66-моддасида шундай дейилади: «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар». Қуръони каримнинг «Исро» сурасидаги 23-оятда эса шундай дейилади: «Парвардигоринг амр этди: Ундан ўзгага ибодат қилманглар ва ота-оналарингга яхшилик қилинглар». Кўриниб турибдики, илоҳий қонунлар бўйича ҳам, дунёвий қонунлар бўйича ҳам инсон ҳуқуқлари поймол этилиши мумкин эмас.

1997 йил 24 апрелда «Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни чиқарилди. Бу қонун орқали Ўзбекистон қонуншунослигида инсон ҳуқуқларига ҳурмат-эътиборни кучайтиришни ва жамоатчиликка инсон ҳуқуқларидан таълим бериб, уларнинг ўта муҳимлигини фуқаролар онгига сингдиришни ўз зиммасига олди, яъни Омбудсманнинг асосий вазифаси инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Аммо бундан «Олий Мажлис қошида Омбудсман институти ташкил этилибдими, демак қаердадир инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётган эканда», деган фикр келиб чиқмаслиги лозим. Инсон ҳуқуқлари қандай ҳолларда поймол этилиши мумкин? Бу саволга лўнда қилиб «баъзи фуқаролар. Баъзан қизиқсиниб, дўстларимдан «Конституциямизда бу ҳақда нима дейилган?» дея баъзи масалалар хусусида сўраб қоламан. Елка қисишади. «Асосий Қонунимизни бирон марта қўлга олганмисан ўзи?» - сўрайман ковлаштириб. «Ҳа, биринчи чиққанда бир варақловдим, - дейишади улар, - ўзинг биласан, жўра, иш кўп, китоб ўқишга ҳам қўл тегмайди». Бирон нарса дейишга лол қоламан. Гапиришга оғиз жуфтлайман-у, ўзимни тияман. Бир мултфильмдаги тўти қушнинг сўзлари ёдимга тушади: «(Айбдор) филча эканлиги барчага аён бўлса-да, келинглар, унинг исмини айтмай қўя қолайлик». Шу маънода айтадиган бўлсак, бир тоифа фуқароларимиз ва баъзи мансабдор шахслар Конституциямизни ёддан биладилар, деб кафолат беролмайман. Ҳатто ўзим ҳам Асосий Қонунимизнинг ўзбекча, русча ва олмонча нусхаларини ҳар доим сумкамда олиб юрганим билан, унинг барча моддаларини тўлиқ ёдлаб ололганим йўқ. Бу энди хотира кучига ҳам боғлиқ-ку, аммо уни ёддан билишимиз, ҳеч бўлмаганда уни худди ёндафтар сингари ўзимиз билан бирга олиб юришимиз лозим.



Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.
Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.
Мактаб ишлари давлат назоратидадир.
(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддаси)

Йўлдош ПАРДА,
Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази муҳаррири

• *Менга сўз беринг*

КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТИВОРЛИГИ

Ҳар бир давлатнинг давлат сифатида ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи асосий ҳужжати унинг Конституциясидир. Бир сўз билан айтганда, Конституция давлатни таништирувчи ҳужжат, паспорт десак муболаға бўлмайди. Мустақил давлатимизнинг юзи, обрў-эътибори ҳам унинг Конституцияси ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси қабул қилинган кундан буён ўтган муддат тарих учмонида бир томчи, холос. Лекин унинг бой мазмуни ва моҳиятини ҳисобга олсак, ҳозирги ўтаётган ҳар кунимизнинг йилларга татигулик эканлигини эътироф этмоқ жоиздир.

Президентимизнинг Олий Мажлиснинг I чақириқ VI сессиясидаги нутқларида «Адвокатура тизимининг мавқеи ва аҳамиятини кўтариш лозим. Биринчи навбатда судлов амалиёти Конституцияви ва ҳуқуқий меъёрларга қатъий риоя этилишини таъминлашлари, ўз ҳимояларидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиши керак», деган эдилар. Шу эзгу мақсаднинг ҳуқуқий кафолати мустақил қомусимиз ҳисобланади. Бас шундай экан, Конституцияни ҳаётга тадбиқ этиш нафақат давлат идоралари ва мансабдор шахслар, адвокатлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, балки ҳар бир фуқаронинг қонуний бурчидир. Конституция талабларини бажариш, уларга риоя қилиш ҳар биримизнинг эътиқодимизга айланмоғи лозим. Чунки, биз ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни Конституция асосида белгилаб олганмиз!

Конституциямизни нафақат ўқиш, балки чуқур ўқиб олиш ҳаммамиз учун ҳам фарз, ҳам қарздир.

Дилбар ШОҲНИЁЗОВА,
Тошкент юридик коллежи талабаси

• *Китобингизни ўқидим*

БЕҲАЛОВАТ ҚАЛБ СОҲИБИ



Ҳуқуқшунос, шоир Исматулло Йўлдошевнинг фаолияти ва ижодига чизгилар

Биз ўшанда бир гуруҳ ижодкорлар Самарқанд сафарида эдик. Ҳамроҳимиз, республика телевидениеси сухандони Фарҳод Бобожонов бизни Исматулло ака билан таништирди. Туман прокурори ўринбосари бўлиб ишлаётган Исматулло ака ижодкорларга алоҳида эътибор кўрсатиб, кўпроқ суҳбатлашишга интиларди. Фарҳод ака билан талабалик йилларини эслаб хотираларга берилишди. Улар Республика радиосида бирга суҳандонлик қилишган, шеър ўқишган экан. Исматулло ака ўша маҳаллар устози Алп Жамолга ҳавас қилиб, 4 пардалик пъеса ҳам ёзган ва у Қарши вилоят театрида саҳнага қўйилган.

Исматулло Йўлдошев 1953 йили Ургут туманининг Қўрғонча қишлоғида туғилган. 1976 йил Тошкент Давлат дорилфунунини имтиёзли диплом билан битириб, тёргов бўлими прокурори сифатида иш бошлаган. Бугунда Самарқанд шаҳар прокуратурасининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бўйича терговчиси.

Исматулло Йўлдошевни ҳуқуқшунос сифатида билганлар унинг шоирлигига ажабланадилар. Уни шоир сифатида таниганларга унинг терговчилиги ғалати туюлади. Парадокс? Шеърият ва ҳуқуқ. Поэзия ва тергов?! Ҳамкасблари ярми ҳазил, ярми чин: Исматулло тергов қилган жиноятчилар ҳам дуппа-дуруст шеърият шайдоси бўлиб кетади, дейишади. Ҳа, инсон қалби, маънавиятининг қирралари беқиёс. Халқимизнинг ибратли, бой ўтмишидан хабардор кишига бу ҳол тушунарли ва табиийдир. Улуғ Бобур Мирзонинг бир қўлда шамширу, бир қўлда қалам билан кечган аччиқ қисмати, Самарқанд ҳукмдори Мирзо Улуғбекнинг мунажжимлиги, астрономия илмига қўшган жаҳоншумул ҳиссаси, буюк математик ва астроном Умар Хайёмнинг беназир рубоийлари, тиб илмининг султони Ибн Синонинг рубоийлари, Паҳлавон Маҳмуд, Огаҳий...

Ўн йиллар бурун Исматулло ака Абдулла Орипов, Усмон Носир шеърларидан соатлаб ёддан ўқиганида юрагимдан кечган туйғулар яна ёдимга тушди. Суҳбат асносида у кишининг ишлари билан қизиқдим. У адлия маслаҳатчиси унвонига сазовор бўлибди. Исматулло ака иш фаолияти давомида бир қанча ўзгалар мулкини жуда кўп миқдорда ўзлаштириш, порахўрлик, қотиллик билан боғлиқ оғир жиноятларни тергов қилиб, улар одил судловда ўз тасдиғини топган. Исматулло аканинг хизмати борасида ютуқлари ҳақида ўйлар эканман, унинг бир тўртлиги беихтиёр ёдимга тушди:

Авф этиш санъатин ўрганган одам,
Жазо усулларин билар мукаммал.
Ёмонлик бир шундай илмки, буюксан
Яшасанг ўшанга қилмасдан амал.

Хиссиётлари, қалб томирлари бобо мерос шеъриятнинг чўнг уммонларига туташиб кетган инсонга бошқалар устидан ҳукмолик қилиш осон кечмайди. Бу оғир жараён. Инсон тақдири борасида хато қилиб қўйишдан қўрқиш изтироби. Безовта қалбнинг ҳар иккала қутбини нур сари йўналтириб беҳаловат яшаётган инсонларга ҳавас ҳам қиладилар, ҳасад ҳам. Терговчилигингни қилиб юравермайсанми, шоирликка бало борми, дейдиган ҳамкасблар ҳам топилади. Аксинча, бу иккала фаолиятдан ҳамрозлик, ойдинлик топиб чин юракдан қувонгувчи ҳамдардлар ҳам кўп. Инсон умри шундай: тун ила кун янглиғ, яхшилик билан ёмонлик, икрор билан инкор доим ёнма ён...

Мени кўпроқ Исматулло аканинг ижод борасидаги ишлари ҳайратга солади. Сўнгги йиллари у «Ёлғизлик», «Ҳабиб бўлгин менга муҳаббат», «Бунда тонглар кашф этар ўзни», «Армонли дунё» номли шеърий китобларини «Жаҳолатга қўйилган тузоқ» номли қиссасини чоп эттирибди. Истиқлол арафасида бошланиб халқимиз бошига кўп кулфатлар солган қулаётган қизил истибдоднинг сўнги кунларини акс эттирувчи «Қабоҳатга қўйилган тузоқ» видеофильми унинг сценарийси асосида суратга олинди, Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси видеофильмлар студияси ижодкорлари билан ўзаро фаол ҳамкорлик меваси ўлароқ дунёга келган мазкур фильмнинг дастлабки қисмлари кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Иттифоқо, фильмнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган тақдимотида иштирок этган «Би-би-си» телекомпанияси вакиллари видеофильм ҳақида илиқ гаплар айтишиб, фильмнинг бир нусхасини олишиб, экспертлар талабига мувофиқ келса сериалга харидор бўлишлигини билдиришди. Сценарий лойиҳасига кўра видеофильм 12 қисмдан иборат бўлиб, фильмда муаллиф ўзининг иш фаолияти давомида тўқнаш келган воқеалар, хизмат мобайнида тўпланган ҳужжатлар, ҳаётда ўз прототипига эга қаҳрамонлар, бошдан кечирган кечинмаларининг бадиий-ҳуқуқий таҳлили ўзига хос услуб, жозиба бахши этган.

Зар қадрини заргардан сўранг, дейдилар. Ҳуқуқшунослик, инсон қадр-қимматининг оёқ ости этилишини нечоғлик фожеа эканлигини ҳуқуқ ишининг билимдонлари теран англайдилар. Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик нима ўзи, деган саволга биргина сўз билан мухтасар жавоб айтганлар: Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир. Ана шу фикрнинг ўзи ўнлаб ҳуқуқий асарга дастур бўлиши табиий. Биз ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бормоқдамиз. Биз шўролар даври тарихимиздан аччиқ сабоқ олдик. Бу тарихан ҳуқуқсизлик даври эди.

— Энг муҳими халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, — дейди Исматулло ака суҳбат асносида. Аҳоли ўртасида қанчалик ҳуқуқий маърифат кучли бўлса, жиноятчилик шунча камаяди. Ҳуқуқни билмаган ёшлар пихини ёрган жиноятлар, сурбет мансабдорлар, товламачиларнинг қурбонига айланишади. Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим, умумхалқ ишидир.

Самарқанд сафари чоғида Исматулло Йўлдошев билан гоҳ тарих, гоҳ ҳуқуқ, гоҳо адабиётга доир мавзуларда кўп суҳбатлашдик. Шеърлар ўқилди. Тортишув, беғараз баҳслар бўлди. Балки, Исматулло аканинг ҳаётида турфа хил ташвиш-муаммолар кўпдир. Балки, оила, ишхона, хизмат доирасида мураккаб жараёнларни бошдан кечираётгандир. Лекин, мен ва ҳамсафарларимда қалби покизалиги, шоирона феъл-атвори билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонган, дўстпарвар бу инсон илиқ таассурот қолдирди:

Кўнгил гўё ибодатхона
Қанча тавоф этсанг арзийди.

Ана шу қалб бор қуввати, ҳарорати билан бизни ювиб - тараб улғайтган халққа - Она Ватан хизматига доимо шай экан, у каъба каби азиздир. Зеро, шоир ёзганидек:

Сени деб яшадик, шундоқ кетармиз,
Ахир бор, йўғимиз ўзингган Ватан.
Бир кун кетажакмиз, биз ҳам ўтармиз,
Сенинг қучоғингда қолгайдир бу тан.

Мураккаб, сермашаққат ҳаёт довонларидан Оллоҳ назари ила обод бўлгувчи қалбларимизни покиза олиб ўтмоқ ҳаммамизга ҳам насиб этсин.

Ҳамроқул АСҚАР,
Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

• *Криминал*

МИЛЛИАРДЕРНИНГ ЎЛИМИ

Чоғроққина Монако князлиги ҳозир бузилган чумоли уясидек бесаранжом бўлиб қолди. Сайёранинг энг бадавлат сармоядорларидан бири — 67 ёшли Эдмон Сафра номаълум сабабларга кўра келиб чиққан ёнғин оқибатида ҳалок бўлган.

Олинган хабарга кўра, Эдмон Сафранинг хонадонига етиб келган қонун посбонлари зудлик билан ишга киришдилар. Ҳозир бўлган ўт ўчирувчилар қарийб бир соат давомида олов билан курашиб, ваннахонага киришга муваффақ бўлдилар ва шу ерда миллиардернинг жонсиз танасини топдилар. Унинг баданида бирор-бир жароҳат излари топилмаган. Бу вақтда бошқа хонада бўлган миллиардернинг хотини ҳеч қандай зиён кўрмаган, бироқ шок ҳолатига тушиб қолган.

Айни кунларда Монакодан хабар қилишларича, миллиардерга кимнингдир таҳдид қилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Лекин шунга қарамай, норасмий манбанинг хабарига кўра, Монте-Карлода содир бўлган ушбу фожеага «рус мафияси алоқадор бўлиши мумкин», деб хабар қилади Франс Пресс агентлиги. «У ўзига нисбатан алланечон шартнома тузиб қўйилганлигини биларди», - деб хабар беради ўша аноним манба. Маълумки, Эдмон Сафра «таваккал мамлакатларида» молиявий лойиҳаларда бир неча марта иштирок этган, унга Россияда ҳам қизиқиш билан қаралган.

Буларнинг ҳаммаси ҳозирча тахмин, халос. Нима бўлганда ҳам дунёдаги энг бадавлат кишилардан бири энди орамизда йўқ.

(Хориж матбуотидан)

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Россия ва Исроил томонларининг келишувларига мувофиқ руслар ер орбитасига Исроилнинг янги разведка суньий йўлдошини олиб чиқадиган бўлишди. Бу келишувга Қўшма Штатлар ҳам розилик берган. Россиянинг ер йўлдошларини олиб чиқишдаги етарли имкониятлари ва бу турдаги хизмат ҳақининг арзонлиги туфайли Исроил ушбу мамлакатни танлаган.

НАСА радиоантенналарининг «қизил» сайёра томон учирилган «Марс полар лэндер» планетараро автомат станциясининг «овози»ни тутишга бўлган уринишлари беҳуда бўлмоқда. Ўтган ҳафтанинг жума куни учирилган мазкур станция ҳанузгача ер билан бирон марта алоқага чиққани йўқ.

Сурия нинг «Адхади» кемаси Новороссийск қирғоқлари яқинида денгиз тўфонига тушиб қолганлиги натижасида бошқарувни йўқотиб, шаҳар портига келиб урилган. Натижада порт жиддий зарар кўрган. Нефть трубаларининг ишдан чиқиши натижасида 10-15 тонна нефть денгизга тўкилган.

ГРУЗИЯ президенти Эдуард Шеварднадзе яқинда ўтказилган матбуот анжуманида «Грузияда Россия дипломатларининг хавфсизлиги хусусида ҳеч қандай ташвишга ўрин йўқ»лигини маълум қилган. ОАВ бу билан Тбилисидаги Россия элчихонаси хизматчиларининг оила аъзоларини чечен жангарилари томонидан уларга тажовуз бўлиши мумкинлиги сабабли мамлакатдан олиб чиқиб кетиш масаласи ҳам ортиқча ташвиш эканлиги хусусида маълумот олдилар. Айни пайтда Грузия хавфсизлик вазирлиги давлат қўриқлаш хизмати билан ҳамкорликда элчихонани қўриқлаш чораларини кучайтирган.

(Хориж матбуотидан)



Дунёнинг етти мўъжизасидан бири — Тож Маҳал.

• *XXI асрнинг ҳуқуқий тафаккури*

БУГУН ВА ЭРТАНИНГ ВАЗИФАСИ

Мамлакатимизда қонун устиворлигини таъминлашнинг асосий шартларидан бири - ҳуқуқий онгни юксалтириш бўлиб қолаётир. Ширин шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Комилжон ОДИЛОВ билан бўлган суҳбатимиз мавзуси ҳам аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш жараёнида дуч келинаётган муаммолар, ташвикот-тарғибот борасида қўлланилаётган чора-тадбирлар ҳақида бўлди.

— Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш кўп босқичли жараёндир. Ҳуқуқий саводхонликни ошириш, ҳуқуқий муносабатларда муайян малака, кўникма ва тажрибани вужудга келтириш, сўнгра юксак ҳуқуқий маданиятни белгилайдиган ҳуқуқий онгни тарбиялаш даражасидаги босқичларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Сизнинг амалий фаолиятингизда бу жараён қанчалик ўз ифодасини топаётир?

— Ҳа, албатта, биз мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бу кўп босқичли жараённи ўз фаолиятимизга асос қилиб олганмиз. Зеро, ҳали халқимизнинг онги ўтмиш тоталитар режимининг бир ёқлама ҳуқуқий муносабатлари асоратидан қутулмаган, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан аҳоли ўртасида катта бир жар ястаниб ётган, ҳокимият бўлиниши тамойиллари тўла англаб етилмаган эди. Янги демократик давлатнинг ҳуқуқий тамойилларини аҳоли онгига сингдириш шундай бир фурсатда юзага чиқди. Ҳуқуқий саводхонликни ошириш нафақат бугунги, балки эртанги куннинг ҳам вазифаси эканлиги барчага аён.

— Дарвоқе, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш тўғрисида кенгроқ тўхталсангиз...

— Шундай бир воқеани эслаймиз. Ёшлар ўртасида ҳуқуқий саводхонлик борасида шаҳар миқёсида ўтказилган мусобақада мактаб ўқувчилари шаҳар прокурори билан бахслашиб қолишди. Қонунни билиш даражаси кўтарилганлигининг яққол белгиси бўлган бу воқеа менда ғурур уйғотди. Энг муҳими, ҳуқуқ-тартибот идораларига муносабатни буткул ўзгартиришга муваффақ бўлганлигимизнинг белгиси эмасми бу?

Ҳуқуқий маданиятни оширишда биз ўз ишимизни болалар боғчасидан, мактаб, билим юртларидан бошладик. Болалар боғчасига прокурор сифатида ташриф буюриш бироз ажабланарли бўлиши мумкин. Лекин онги эндигина уйғонаётган гўдаклардан турли воситалар билан қонунларга ҳурмат уйғотиш юқоридаги босқичли жараёнга тўғри ёндошиш, деб ҳисоблайман. Қолаверса, «кўриб ибрат олиш»дек тарбиянинг энг таъсирчан усулидан ҳам фойдаланмоқчи бўлдик. Кейинги босқичда ўсмир ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига жамоат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, таълим-тарбия муассасалари кучларини бирлаштирдик. Натижада деярли ҳар ойда камида бир марта ёшлар ўртасида учрашувлар, конференциялар, баҳс-мусобақалар ўтказиш одат тусига кирди. Суд процессларида ёшларимизнинг қатнашишини ташкил қилганлигимиз ҳам ибратли иш деб ҳисоблайман. Жорий йилда тўртта суд мажлиси Ширин энергетика коллежида, ёшлар кўз ўнгида ўтказилди.

Прокуратура ташаббуси билан мактабларимизда ҳуқуқий синфлар ташкил этилди.

— Қилинган ишлар амалий натижаларда ҳам кўзга ташланаётган бўлса керак...

— Албатта, меҳнатимиз илк меваларини бера бошлади. Келинг, бу йилги жиноятчилик даражасини ўтган йилдаги ҳолатга солиштириб кўрайлик. Жами содир этилган жиноятлар шу йилнинг 10 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 15 фоизга камайди. Унча оғир бўлмаган жиноятлар 35 фоизга, гуруҳлар томонидан содир қилинган жиноятлар 76 фоизга камайди.

— Ҳуқуқий онгни юксалтиришда муаммоларга ҳам дуч келинмоқдами?

— Ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо деярли йўқ, лекин баъзи бир муаммолар учраб турибди. Биринчиси, халқимизнинг менталитетидан келиб чиқади. Ўзаро муносабатларимиздаги шарқона андиша, одоб-ахлоқ, ҳуқуқий муносабатларга таъсир этмаяпти деб бўлмайди. Ўтмиш давридан қолган асоратлардан фориғ бўлишимиз учун ҳали кўп тадбирларда қонунга ҳурмат руҳини қарор топтириш талаб этилади. Яъни айтмоқчиманки, ҳар ким ўз ҳуқуқини, бурчини, вазифасини, ваколатларини тўла англаб етгандагина, қонунни ҳурмат қилишга ўргангандагина ҳақиқий ҳуқуқий маданият вужудга келади. Афсуски, ҳозирча бу соҳада ҳам камчиликлар учраб турибди. Мана, масалан, Ширин шаҳар халқ таълими бўлими мудирининг 1998 йил 26 декабрда чиқарган 444-сон бўйруғини олайлик. Унинг 2-бандида барча янги йил тантаналари соат 16 гача ўтказилиши белгилаб қўйилган. Бундай чеклаш Конституциямизга, мавжуд қонунчиликка мутлақо зид. Ёки «Сирдарёэнерготаъмир» корхонаси бошлиғининг 1999 йил 28 январдаги буйруғига асосан корхона хазиначиси Аникина иш вақтида доимий равишда спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги учун фаррош вазифасига ўтказилган. Бу ҳолат Меҳнат Кодексининг 181-моддасига мувофиқ келмайди.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олиб, кўп босқичли узвий жараёнда ҳуқуқий саводхонликни ошириш муаммоси мавжуд деб айта оламан. Ҳуқуқий саводхонликни оширишда кўпроқ оилага, маҳаллага эътиборни қаратиш борасидаги тайёргарлик ишлари ҳам якунланиб қолди. Шаҳар маъмурияти, суд, прокуратура, милиция, жамоат ташкилотларининг кучларини умумлаштирадиган Ҳуқуқий билимлар университети ташкил этдик. Турли ёш қатламига мансуб аҳоли, қолаверса, раҳбарлар ҳам бу университетда ҳуқуқий таълим оладилар. Ўйлайманки, ҳозирги амалга ошираётган тадбирларимиз XXI аср ҳуқуқий тафаккурини шакллантиришда ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди.

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
суҳбатлашди.
Сирдарё вилояти





Ушбу дарғохнинг архив бўлими ходимаси Людмила Феоктистова узоқ йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келмоқда. У иш жараёнида ўзининг бой тажрибаси ва билимларини ёшларга ўргатишга алоҳида эътибор қаратади.

Суратда: Л.Феоктистова шогирди Д.Аҳмедова билан.

Қўқон шаҳар Фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлими фаолияти замон талаблари асосида йўлга қўйилган. Бу борада ФҲДЁ бўлими бошлиғи Дилфузахон Ҳожимуродованинг алоҳида хизматлари бор.

Суратда: Д.Ҳожимуродова ёш-келин куёвларни қабул қилмоқда (юқоридаги сурат).

Р.НУРИНБОЕВ олган суратлар

• *1999 йил — Аёллар йили*

МУНОЖОТНИ ТИНГЛАБ...

Аёл юм-юм йиғлаяпти. Унинг дардлари бир олам. Наҳотки унинг яккаю ёлғиз ўғли... ўлим жазосига ҳукм этилса?! Йўқ, йўқ, она бунга асло чидай олмайди. Онанинг елкаси дир-дир титраб, кўтарилиб тушади, қўллари қалтирайди. Уйқусизликдан кичрайиб, ичига ботиб кетган кўзлари, ғамлар заъфарон этган маъюс чеҳрасида оғир таҳлика... «Ўғлимни кўрдингизми, соғми!» Онанинг кўзлари жиққа ёш, томоғига бир нарса тиқилгандай гапиролмай қолди. Она ўз ўғлининг гуноҳи оғирлигини билади, аммо, ҳар нима бўлганда ҳам фарзанд-да. У оғир-оғир қадам босиб адвокатнинг хонасидан чиқиб кетди.

Муножот Маматова чуқур ўйга толди. Қотиллик содир этилган. Яна қандай денг, кўпчилик бўлиб. Аввал бўғишган, кейин пичоқ уришган. Гуноҳсиз йигит ўз шахсий машинасида биринчи марта киракашликка чиққан куни шу воқеа содир бўлган. У ҳам ота-онасининг яккаю ягона ўғли. Кеча унинг ҳам онаси зор-зор йиғлаган эди. Менинг касбим адвокатлик, қонун бўйича иш кўраман. Бироқ, мен ҳам онаман, менинг ҳам фарзандларим бор. Жиноятни фарзандлари содир этишгану, бечора оналарга оғир. Иккала онанинг дардлари, кўз ёшлари юрак-бағримни эзиб юборади. Уларнинг ўрнига ўзимни қўйиб кўраман. Бу шунчалар оғир дардки... Эҳ, бечора оналар!

Адвокат аёл оғир тин олди. Гўё унинг дилига ҳалигина хонадан дарду аламларини айтиб чиқиб кетган муштипар онанинг ғамлари ўрнашиб олгандай эди. Муножотни тинглаяпман, хаёлимга бир фикр келади. Ҳар гал «Муножот»ни тинглаб, оғир ўйга толардим. У куй, қўшиқ эди, аммо, суҳбатдошим Муножот-чи?! Унинг касби ҳам, одамлар дардини тинглаши, улар ғамига шерик бўлиши ҳам «Муножот»дан қолишмайди. Муножотхон йигирма йилдан буён адвокатлик қилади.

Қатортераклик оддий ишчи Мақсудахон аянинг биринчи фарзандига Муножот, дея исм қўйишди. Бировлар болага бу исм оғирлик қилади, дейишса, бировлар кўтара олармикан, дейишарди. Қизалоқ табиатан тортинчоқ, сермулоҳаза, лекин, ўта зийрак бўлиб ўсди. Шунинг учун бўлса керак, уни ҳамма қўниқўшнилар хуш кўришарди. Айниқса, шу маҳаллалик Бадриддин адвокат: «Шу қизимиздан бир нарса чиқадиёв» - деб қўярди.

Йиллар ўтди. Фаришталар омин деган эканми, Муножот адвокатлик касбини танлади. 1972 йилда ТошДУ ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирди. Талабаликнинг серташвиш, қувноқ йиллари кўз очиб юмгунча ўтди, кетди. Шу олтин даврда у бухоролик факультетдоши Абдужабборнинг назарига тушди. Севди, севилди. Сўнгги курсда тўйлари ҳам бўлиб ўтди.

Муножотхон ҳуқуқшунослик дипломини олгач, келин бўлиб тушган юрти - Бухорои Шарифга йўлланма олди. У дастлаб Бухоро вилоят Зарафшон шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасида ёрдамчи адвокат, 1980 йилда Бухоро шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасида адвокат бўлиб ишлади. Ёш ҳуқуқшунос Зарафшонда Клара Николаевна Тяндан, Бухорода эса вилоят адвокатлар уюшмаси раиси, марҳум Фарид Носировдан касб сирларини пухта ўрганди.

Муножот Маматовадаги касбга садоқатни, уддабуронликни сезган ҳамкасблари уни 1987 йилда Бухоро вилоят адвокатлар коллегиясининг президиуми аъзоси этиб сайлашди. Бу лавозимда ҳам у талайгина ишларни амалга оширди. Туманлардаги адвокатлар ишини назорат қилиш, керакли ўринларда уларга маслаҳатлар бериш шулар жумласидандир.

Истиқлолимиз туфайли юртимизда қонун устиворлигини таъминлашда адвокатура соҳасига эътибор айниқса, кучайиб бормоқда. Қонунлар кучга кирди. Адвокатларнинг халқ орасида эътибори ошди.

Муножотхон ҳақида унинг қайси ҳамкасби билан суҳбатлашманг илиқ гаплар эшитасиз.

- Муножот Маматова билан 1990 йилдан буён бирга ишлаймиз. У кўрадиган ишлар мураккаб, кўпчиликнинг эътиборидан четда қолиб кетган, бошқалар қўл уришга ботинолмайдиган қийин ишлардир. У ўзи бошлаган ҳимояни ҳамиша охиригача етказадиган, уддабурро ва ҳалол адвокатдир, - дейди Бухоро вилоят адвокатлар Раёсати раиси Тошпўлат ака Саидов.

Дарахт меваси билан азиз деганларидек, устоз ҳам қандай шогирдлар етиштиргани билан баҳоланади. Муножот Маматованинг шогирдлари ҳам ҳуқуқ соҳасида анча бўй кўрсатиб қолишди. Орзигул Икромова Бухоро шаҳар ҳуқуқий маслаҳатхонасида, Ҳусен Саидов вилоят прокуратурасида ҳалол, виждонан меҳнат қилишаяпти.

Ватан оиладан бошланади. Муножотхон ҳам ширингина оиланинг азиз бекаси. У турмуш ўртоғи Қоғон туман ички ишлар бўлимининг катта терговчиси Абдужаббор Жумаев билан ҳавас қилса арзигудай бир қиз ва икки ўғилни тарбиялаб вояга етказишаяпти.

Муножотни тинглаб адолат адоватдан ҳамиша кучли эканига яна бир бор ишондим. Қаҳрамоним бу йўлда собит эътиқодига суяниб яшамоқда.

Лолахон МАНСУРОВА, журналист. Бухоро вилояти

• *Воқеи ҳикоя*

Мирсаид МАВЛОНОВ

МАКТУБДАГИ КЎЗЁШЛАР

Ҳикмат юракдаги аччиқ туғёнларни унутишга уринар, лекин кун ўтган сари қалбини изтиробли ўйлар ўртаб, унга сира тинчлик бермасди*. У жазони ўташда қийналаётгани йўқ, ақл-ҳуши жойида, қолаверса бу жойда олдинлари ўйлаганчалик қўрқинч ёки ғурбат ҳукмрон эмас экан. Ҳамма бирдек, бир-бировини тушунгандек осуда ҳаёт. Яхши муомаласи ва халқи борлиги боис кўпчилик унга дилини ёради, сир-асрорларини ўртоқлашади. У эса ўзи ҳақида, Зарифа ҳақида ҳеч кимга гапирмас, иложи борича уни хаёлидан чиқаришга уринарди. Унинг тақдири билан қизиққан муассаса раҳбари эса имкон қадар тушуниб, кўнгил қафасига таъсир ва таскинни бир маромда сингдиришга ҳаракат қиларди. Шу боис иккинчи бора суҳбатга тортганида хиёл овозини баландлатиб, танбеҳ берди:

- Эркак киши бир сония ўйламасдан иш тутса, бутун қалби бўм-бўш армон маконига айланиши ҳеч гапмас. Сизда келинни айблашга ҳеч қандай асос йўқку, ахир! Гоҳида бир оғиз туҳмат ҳам инсон умрига зомин бўлади, бир бутун ҳаётни барбод қилади. Аёлга нисбатан эса бағритошлик қилиш йигитнинг иши эмас! Қисқаси, Зарифа билан учрашиб, батафсил суҳбат қурмоғингиз, унинг ҳам дардини тингламоғингиз тарафдориман!

— Мен эса ҳаётдаги бу ўйинларга бошқача қарайман. Мен қотил бўлдим. Оиламни барбод қилдим. Бу гуноҳларимни яна ширин ҳаёт билан ювишим керакми?

— Сўзингизга қўшилмайман! Ғишт қолипдан кўчган! Сиз эса унга ачиниб қараганингиз билан ўз-ўзидан жойига тикланмайди. Ҳаёт эса ғамгин одамга бешафқат, ақллиларга ширин туюлаверади. Тушкунликни йиғиштиринг! Ўзингизни қўлга олинг! Қилган жиноятингиз эса сизга ва фарзандларингизга сабоқ бўлсин...

Бу сўзлар унга хуш келмагандек туюлди. Ҳатто Зарифанинг ёзган хати ҳам шумлик ва алдов мисоли туюлди унга. Шу сабаб «ўйлаб кўраман» дедида, яна ўз ҳаёли билан банд бўлди. Орадан бир ойча вақт ўтди, бу бепарволик, иккита юракдан иборат битта оиланинг тарқоқ муносабати яна безовталик ҳиссини уйғотди. Чақирувга биноан Ҳикмат яна муассаса раҳбарининг олдида айбдордек бош эгиб турарди.

— Фарзанд кўриш катта бахт, Ҳикмат! Сиз эса ўз фарзандингизга меҳр кўрсатишни хоҳламаяпсиз. Яна гуноҳ, яна янглиш қадам босаётганингиз йўқми? Ахир Зарифа сизга бевафолик қилганида ота-онангизнинг ташвишларини енгиб, оилангизни саранжом-сариштага қилиб ўтирган бўлармиди? Йиғлаб-сиқтаб ҳар куни хат битармиди, сизга Аллоҳдан сабр-тоқат, омонлик тилаб, йўлга боқармиди? Атрофдагиларга боқинг, суҳбат қилинг, нечтаси ўз аёлининг дийдорига зор, нечтаси фарзанд доғида саргардон, нечтаси ўз оиласи учун жонини қурбон қилишга тайёр!

— Мени акамнинг руҳи қийнайди. Бу алам ичида ўлиб кетишим ҳеч гапмас...

— Акангиз нодонлик ва жаҳолат ҳукмига учради. Энди бўлган ишни ортга қайтариш қийин! Оилангизни ҳам барбод қилиш ундан оғир гуноҳ эмасми?

Ҳикмат гапирмади. Кўзлари ёшланиб, кетишга изн сўради...

***

Ҳикматнинг хаёлида ички дардларига ҳеч ким тушунмас, унинг адамови бўлиб қолганидан атрофдагилар ҳайрон эди. Тўғри, қамоқда киши қанчалар ўзини яхши тутишга, хушчақчақ юришга ҳаракат қилмасин, барибир соғинч, алам ўти унинг кўзларига кўчади, мунг ва ғазаб юракни қийнаб юради. Ўз билгани, ўз хаёли Ҳикматни сабр - тоқатдан айириб, довдиратиб қўйганди, худди шунинг учун ҳам акасини пичоқлаб ўлдирганида бир марта оғир қийналган бўлса, энди Зарифани ҳам йўқотиб қўйгандек довдирар, онасидан келган хатни такрор-такрор ўқиб, ичичдан ютоқиб йиғларди:

«...Ҳикматжон, жоним болам! Не кунларга қолдинг, нималар қилиб қўйдинг. Кўзларимнинг нури қочиб, бир оёғим гўрга босганда, Аллоҳим не ғурбатларни бизга раво кўрди. Бир пайтлари сизларнинг осойишта хаётингизни кўриб, «охири бахайр бўлсин» демаган эканман-да. Шунча шодликларнинг, бахтли дамларнинг нафасини бирпасда қайғу ва дард ўз домига тортди. Аканг ўз қилмиши билан бизни оғир ғурбатга солди. Сен эса юрагимни куйдириб, тутқун ҳаётга ўзингни олдинг. На юришимда, на туришимда маъни қолди. Йиғлаб, йиғлаб кўзларимнинг ёши қуриди. Отанг кўзимга қарашдан безор. Зарифа ўтган вақт ичида минг ўлиб, минг тирилди бечора... Бунча азобни қандай кўтардинг, қандай гуноҳларга ботдинг, болам. Ахир биринги қош, биринги кўз эдингизлар. Бир-бирингизни қизғониб яшардинглар-ку!

Эсингдами, болалик дамларинг, қиш ойлари эди. Толиб ҳовлидаги устунга илиниб турган идишдаги сутни ағдариб юборганида, иккалангиз ҳам «мен ағдардим», «мен ағдардим» дея олдимга чопиб келганларингиз. Шу ҳолни кўриб, қувонганимдан иккалангизни ҳам пешонангиздан ўпиб, ширинликлар улашгандим. Акангни сенга нисбатан иродаси ожиз эди. Икки-уч марта кўз тегди унга. Кўп касал бўлди. Ахийри ўша ожиз қалбини шайтон бошқа хаёлларга бурди.

Ҳикматжон болам! Бу хатни Зарифага кўрсатмасдан ёзаяпман. Чунки унга айтақолсам, «дардингизни ёзманг, Ҳикмат акамнинг дарди ўзига етади, баттар сиқилмасин», — деб ёздиргани қўймайди. Яна кечагина бўлган воқеани сенга ёзмасам бўлмайди. Бу сен учун жуда муҳим болам.

Мактабнинг ёнида яшовчи Ойгул опани танирсан. Али деган ўғли бор, раҳматлик аканг билан синфдош эдилар. Кеча хол-аҳвол сўрашга чиқди-ю, юрагини ёрди бечора. Йиғлаб-сиқтаб, сени фалокат босиб акангни пичоқлаб қўйган кечада бўлган воқеани сўзлаб берди. Хабаринг борми, йўқми, ўша ўғли Али ҳам қорадори билан ушланиб, қамалиб кетди. Ана шу кеча аканг ароқ ўлгурдан тўйганидан сўнг, унинг томирига қорадори укол қилишган экан. Қорадорининг зарҳидан кўнгли айниб, ҳовлига чиқиб қайт қилиб ўтирганида Ойгул опанг:

— Ёшгина умрингни завол қилма-да, болам! Аҳмоқлик сизларни ўз домига тортаётир. Ширин турмушларингизни кўра туриб бузасизларми? - дея танбеҳ берса, аканг жаҳл қилиб бақириб берибди:

— Нима қилай, хола! Ҳаловатим йўқ уйимда. Хотиним фақат асабимга тегиш билан овора. Шоҳона яшагиси келади. Машина олинг, шаҳарга кетайлик, одамга ўхшаб яшайлик деганидеган. Ўқишим ҳам чала қолди. Ишларим орқага тортди. Нима қилай, айтинг!

Ойгул опангни ҳам асаби қўзиб, уришибди:

— Ичавер, чақавер бўлмаса! Агар одам шу билан бойиганида аллақачон еттиқат кўрпачага чиқардим. Мана, уйда кафанлигим ҳам қолгани йўқ! Отасиз ўсган ўғлимни тошбағирлиги мениям, уйниям куйдирди. Энди сен ҳам унга қўшилаяпсан...

Шу пайт Ойгул опангни ўғли чиқиб, сўкиб-сўкиб, онасини ҳайдабди. Ажал ўти-қорадорининг заҳри билан унинг сўзларига қарши ундаб, акангни яна зиёфатга олиб кирибди. Орада опанг хона эшигига қулоқ тутибди.

— Укангни хотини шунча чиройи билан юрмайди, деб ўйлайсанми лапашанг! У ғирт юрадиганидан! Керак бўлса ўзим таклиф қилиб, ҳозир уйга обкелишим ҳеч гапмас. Сен эса юравер, оғзингни сўлаги оқиб, ўша танноз билан! - қабилидаги сўзлар билан унинг ўғли номардлик отига минибди. Аканг қизишиб, ақлини еб «уни ўлдираман, укамниям тирик қўймайман» - дея эшикни тепиб очибди. Эшик равоқига суяниб турган Ойгул опангни кўз олдини сирли қоронғулик қоплаб, ҳасрат билан йиғидан аламини олибди. Бу воқеанинг хулосаси ўзингга ҳавола болам!

Акангни-ку жасади тупроққа қорилди. Икки йил тузимни егани ҳурмати Холиса бир оғиз хайр-хуш демай қўшни қишлоқдаги бойвачча Нодир қассобга иккинчи хотинликка кетди. Ҳикматжон, Зарифани намунча қийнайсан? Нима, унинг дардини, бевалик азобини тушунмайди, деб ўйлайсанми? Бировнинг қизига жабр қилма жон болам, хор бўласан! Сабр-тоқат барча гумонларингни бир куни оқлар ахир. Ўшанда кеч бўлмасин, деб қўрқаман болам. Онангнинг оппоқ сути ҳаққига надомат қилмай десанг, Зарифани хўрлама! Отанг иккаламиз шу қиз бўлмаганида аллақачон у дунёнинг дўзахида чиришимиз тайин эди.

Соғ бўл, болам... Менинг ёзганларимни яхшилаб ўйлаб, ақл билан иш юрит... Ҳаётинг ҳали олдинда!

...Бечора онангинанг.

***

Йигитнинг кўз олдига оппоқ харир либосда йиғлаб турган Зарифа келди-ю, кўзларга беихтиёр ёш қуюлди. Ётоқхонага кириб, ёстиғи тагидан газета варағига ўроғлик суратни олди. Зарифадан келган биринчи хатдаги сурат. Тўй куни олинган, қараб кўз тўймайдиган манзара: Ҳуркак елкаларини хиёл қисиб, кулгичларини беихтиёр бекитиб тушган Зарифа бир қарашда хурсанд, бахтли қиёфада, бир қарасанг ароспаётгандек боқиб турарди. Ўша сурат билан келган хатни йиртиб ташлаганига ачинди, сурат орқасига эса «Бахт бир марта берилар экан. Ҳикмат ака, ўша бахт берилган дақиқани англаш эса умрнинг мазмунини белгиларкан» - деб ёзиб қўйибди.

Ҳикмат суратга узоқ қараб ўтирolmади. Нимадир юрагига ботди. Хўрлиги келиб, шарт ўрнидан турди. Эшикдан чиқаркан, учрашув хонасидан келаётган иккита йигитга кўзи тушди. Назарида улар бирмунча бахтиёр эдилар. Баттар юраги сиқилди.

...Шу қадар янглишдимми? Ростданам, туҳмат гапга ишондимми? Кўп нарсани қийналмасдан ечадиган ақлим шунчалик аросатга кирдими? Нима қилай? Қандай йўл тутай? Онажонимнинг мен оқартирган сочларига, юз тўла ажинларига лойиқ меҳр мендан батамом қочдими? Зарифа мени кечирармикан? Кечирса ҳам икки йиллик изтироби олдида нима деган одам бўлдим...

Ҳикмат бошини қуйи солганча ўтирар, миясида чарх ураётган фикрлар уни тегирмон тошидек эзар эди. Беихтиёр дил қарори билан қўлига қоғоз-қалам олди.

«...Зарифа! Мени кечираолаасанми, йўқми, лекин барибир ўзимни-ўзим койиб бўлсада, сенга хат ёзаяпман. Орадан икки йилдан ортиқ вақт ўтдики, мен аҳмоқ, сенга на хат ёздим, на учрашувга келишингга рухсат бердим. Рашк менинг кўзларимни боғлади. Шу орада бир неча бор муассаса раҳбарлари чақирди. Ёзган хатларингни кўрсатишди. Маслаҳатлар беришди. Бугун эса бориб, улардан кечирим сўрадим, сен билан учрашишга сўз бердим... Фақат, сен мени кечирсанг, ўша бахтли онларимизнинг тафти, ҳарорати ҳаққи, висолимизга қарор қилсанг бўлгани... Қолган гапларни гўзал кўзларингга қараб айтишни истардим. Кутаман...»

***

Тонгнинг гўзаллигини ҳеч кузатганмисиз. Таърифга сиғмайдиган мўъжиза. Қуёш ётоғидан бош кўтариб, оламни мунаввар этиш учун ҳаракатга тушади. Инсон эса кечаги ташвишларини унутган, тўғрироғи, бугунги куннинг дилбар нафасидан бахраманд бўлиб, янги ва осуда ҳаётни қўмсаб қизариб отаётган тонгнинг шуъласига юзини тутади...

Кимдир-кимгадир рўбарў келади. Холаҳволини сўрайди.

— Ассалому алайкум!

Овозлари бирмунча дадил, ибо билан қарашлари дилга завқ бағишловчи Зарифанинг кўзларида нур порлайди. Тонг нурларини аллақачон бу кўзлар ўз маконига сингдирган ва бахтиёрлик бахш этишга қодир эканлигини намоён қилган.

— Ҳикмат акам билан учрашувга келувдим...

Энди тонгнинг дийдори юрак дийдори билан алмашади. Юрак дийдори эса висол тушунчасининг нақадар азиз эканлигини қалб тўрига муҳрлаб қўяди. Онанинг қўлидаги ўғилчасининг талпинишлари ўз отасига меҳр тафтини сингдиришга юз карра қодир кўринади. Аслида ҳам шундай... Чунки бу вақтда Отаси ҳам қилган гуноҳларини, билмай босган қадамларини англаб, пушаймонлик кўчасига кирган, гуноҳни меҳр-оқибат ва ҳалоллик билан ювиш қарорини қалб тўрига жойлаган эди.

— Раҳмат сизларга! Мактубларимдаги кўз ёшларим катта дарё мисоли мени қайта ҳаётга бошлади. Ушбу тонгда гўёки қайта тирилдим...

Бу сўзлар Зарифанинг нафақат инсонларга, балки аллақачон нурлари билан борлиқни қамраб олган гўзал қуёшга аталган дил изҳори эди.

(*Охири. Бошланиши ўтган сонда)

• *Юлдузлар ҳаёти*

САНЪАТ ВА БИЗНЕС



Машҳур рус қўшиқчиси Алла Пугачёва нафақат санъатда балки тадбиркорликда ҳам ўз мавқеига эга. Унинг оёқ кийимлари ишлаб чиқарувчи шахсий фирмаси мавжуд бўлиб, айни кунларда 2000 йилги баҳор мавсуми учун мўлжалланган коллекциялар тўплами - оёқ кийими, қайиш, сумкалар тайёрлаб қўйилган.

Алла Пугачёва нафақат эскизлар устида ишлайди, балки уларга керак бўлган ички либослар, материалларни ўзи танлайди. Янги коллекциялар дўконларда тезда сотилиб кетмоқда. Айниқса «Пугачёвадан» деб ёзилган, оққуш пати ҳамда қимматбаҳо атласдан қилинган шиппакларга талаб ортиб бормоқда.

Пугачёва ҳар бир коллекциядан 2-3 жуфт туфли ва этикни ўзининг шахсий гардеробига олиб қўяди. «Alla Pugachova» тамғаси билан чиқарилаётган оёқ кийимлари Россияда биринчи бўлиб фаол равишда қалбакилаштиришга киришилган маркалардан ҳисобланади. Россиянинг шаҳар бозорларида «Пугачёвадан» туфлиларининг аслида Хитойда тикилган нусхалари пайдо бўлди. Шу сабабли эндиликда Алла Борисовнада янги бошоғриқ - «оёқ кийим қароқчилари» билан кураш пайдо бўлди.

ЎЗИНГА ИШОН



Ёшларимиз орасида Шарқ яккакурашларига қизиқмайдигани учраши амримаҳол. Айниқса, спортнинг каратэ, таэквандо тури бўйича юртимиз спортчиларининг эришаётган ютуқлари қувончли.

Бугунги кунда ушбу спорт турини мактаблар мавжуд. Аммо баъзилар кўришади. Шу жойда савол шогирд барибир шогирдда. Қизиқ, қандай қарашаркин?

Ушбу саволга жавобни Холливуд моҳир ижрочиси, ўзбек кино таниш бўлган Чак Норриснинг берган интервьюсидан олса бўлади.

- Ўзингга устоз топа олсанг бу бахт. Бироқ, ҳамиша бўлавермайди. Мен шундай кураш санъатини Корея ҳарбий полициясида ишлаб юрган кезларимда ўрганишни бошлаганман. Осиёлик устолар ўз тажрибаларини америкаликлардан анча қизғанишади. Шу сабабли бошида мен фақат уларнинг машқларини кузатиб, мустақил шуғулланишни бошладим... Ва шу нарсага амин бўлдимки, ушбу машғулотлардан олинган тажриба маълум маънода ютуқларга сабаб бўлар экан.

Тўғри, сен кўп нарсани устоз ўгитисиз тушунмайсан, кўпроқ жароҳатлар олишинг мумкин. Бироқ, сен хомийлик остидаги ўқувчидан олдинроқ асосий куч - ўз ичингда эканлигини тушуниб етасан.

Спорт - соғлиқ гарови. Зеро, соғ танда, соғлом ақл, дейди доно халқимиз. Бироқ спорт нафақат саломатлик, балки мўмайгина даромад манбаи ҳам эканлиги бугунги кунда янгилик бўлмай қолди.

Мисол тариқасида спортнинг хоккей тури бўйича баъзи маълумотлар билан танишсак. Таъкидлаш жоизки, энг кўп маошни АҚШ ва Канада

КИМ ҚАНЧА МАОШ ОЛАДИ


Миллий хоккей лигасида қатнашувчи хоккейчилар олишар экан.

«Питтсбург» жамоаси сардори, асли чехиялик Яромир Ягрнинг йиллик даромади 10360000 долларни ташкил этаркан.

Худди шундай, сердаромад хоккейчилар рўйхатида россияликлар ҳам бор. «Флорида Пантерз» жамоасининг ҳужумчиси Павел Буре бу борада юртдошлари орасида саркорлик қилмоқда. Унинг йиллик даромади 8 миллион долларни ташкил этади. Кейинги ўринларни эса Валерий Каменский («Нью-Йорк Рейнджерс») - 6 млн., Александр Могильний («Ванкувер Кэнакс») - 4,6 млн., Сергей Яшин («Оттава Сенаторз») - 3,6 млн. йиллик даромадлари билан эгаллаб туришибди.

Бугунги кунда йилига миллион доллардан зиёд маош олувчи 28 нафар россиялик хоккейчилар океан ортида шайба суришмоқда.

• *Кроссворд*



Энига: 1.Момақалдироқдан олдин юз берадиган, табиат ҳодисаси. 4. Ўткир ҳидли рангсиз газ. 10. Кундуз билан кечанинг ўртаси. 11. «Юлдузлар туркуми» маъносини англатувчи сўз. 12. Мусиқада товушнинг ёзма белгиси. 13. Бадиий ижод соҳаси. 15. Илгари мадрасаларда талабаларга қўйилган энг паст баҳо. 16. Оғирлик ўлчов бирлиги. 19. Чинор тусли ит. 20. Геометрик шаклларнинг ўқ чизиқлари кесишадиган нуқта. 24. Даромаднинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш. 25. Автомобиль русуми. 26. Фаранг ёзувчиси Эмиль Золя романи. 28. Янги гапга тегмаган дурадгорлик асбоби. 31. Ошхона анжоми. 32. Йирик савдо муассасаси. 33. Пойтахтимизга яқин туман. 34. Таниқли арман иллюзионисти.

Бўйига: 2. Куч-қувват, мадор. 3. Узоқ шарқдаги дарё. 5. Гиёҳдан тайёрланган қора рангли дори. 6. Жисмида оёғи, кўзида қовоғи йўқ жонивор. 7. Арабистондаги шаҳар. 8. Меҳнат қилиш жойи. 9. Греция пул бирлиги. 14. Тиниқ, тоза. 15. Мўғул чорвадори. 17. Андижон вилоятидаги шаҳар. 18. Ер шари атрофидаги фазо. 21. Қадимий ёзма ёдгорлик, миф. 22. Юлдуз маъносини англатувчи аёл кишининг исми. 23. Қуръони карим сураларидан бири. 27. Заҳарли илон тури. 29. Осиёдаги мусулмон миллат. 30. Пул билан ҳисоб-китоб қиладиган идора. 31. Резавор тури.

Тузувчи: Музаффар НОРМАТОВ

Ўтган сонда берилган кроссворд жавоблари:

Энига: 7. Кэмпбелл. 8. Монархия. 9. Шовла. 11. Болға. 12. Прозектор. 15. «Экосан». 18. Чорвоқ. 19. Тўрткўл. 20. Ашула. 21. Азиза. 23. Сир. 24. Тўй. 26. Антена. 28. Швеция. 32. Қашқадарё. 34. Армия. 35. Сўлим. 36. Германия. 37. Аччиқтош.

Бўйига: 1. Аэробика. 2. Опель. 3. Олхўри. 4. Шолғом. 5. Ўрток. 6. Жирғатой. 10. Лесато. 13. Донишманд. 14. Поризкова. 16. Тўмарис. 17. Тўдакўл. 22. Интернет. 25. Гиргитон. 27. Агат. 29. Вампир. 30. Урумчи. 31. Бирма. 33. Чўчқа.

• *Қайроқи гаплар*

Бир марта қопқонга тушган сичқон, иккинчи бор қопқонга яқинлашмайди.

***

Қилинган гуноҳ берилган садақадан ҳам катта бўлиши мумкин.

***

Бугунги тухум эртанги товуқдир.

***

Нима, хотинни тугма қадаш учун оладиларми?

***

Ҳали меҳнатдан ҳеч ким ўлмаган, ҳеч ким ўлиб меҳнат қилмаган.

Илҳом ЗОЙИР

Бунга нима дейсиз?

Ҳаммаси қўлимизда. Лекин бошқа ҳам нимадир бўлиши керак...

• *Биласизми?*

ҲАФТА КУНЛАРИ ҚАЙСИ ТИЛДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН?

Ҳафта кунларининг номлари лотинчадан кириб келган.

«Воскресенье» — лотин тилидан Илоҳлар куни, деб таржима қилинади.

«Понедельник» — ой куни,

«Вторник» — Марс куни,

«Среда» — Меркурий куни,

«Четверг» — Бош илоҳ Юпитер куни,

«Пятница» — муҳаббат ва гўзаллик илоҳаси Венера куни,

«Суббота» — ҳафтанинг еттинчи куни.

«Неделя» сўзи эса Европа тилларида «етти» сўзидан келиб чиққан.

• *Бир чимдим кулгу*

Собиқ боксёр ўзининг қатнашган мусобақалари тўғрисида сўзламоқда. Аёл унинг гапини бўлиб сўради:

— Нокаут ва ногдаундан ташқари яна қайси шаҳарларда бўлгансиз?..

***

Хотин эрига кўнғироқ қиляпти:

— Жонгинам, иккита янгилик бор — яхши ва ёмон.

— Бўпти, аввал яхшисини айт.

— «Мерседес»ингдаги хавфсизлик ёстиқчаси жуда қўл келиб, менинг ҳаётимни сақлаб қолди...

***

Оддий солдат Ивановнинг отаси ўлгани тўғрисида бўлинмага хат келди. Офицер капитанни чақириб:

— Ивановнинг отаси вафот этибди. Буни унга эҳтиёткорлик билан хабар қилинг.

Капитан бўлинмага сафланиш ҳақида буйруқ берди:

— Кимнинг отаси ҳаёт бўлса, бир қадам олдинга чиқсин! Иванов! Сен қаёққа?!

• *Билиб қўйган яхши*

ШАМОЛЛАГАН БЎЛСАНГИЗ...

Қиш кириши билан кўпчиликда ё йўтал ёки бурун оқиши бошланади. Уни йўқотиш учун ҳар хил таблеткалар ичилади. Баъзилар эса уни ўзича ҳар хил усуллар билан даволайдилар. Бу кимлардир ёрдам беради, кимларгадир умуман нафи тегмайди. Чунки организм ҳаммада ҳар хил. Ҳар бир халқнинг бу касалликларга қарши ўзига хос воситалари бор. Улардан бири - женьшен ўсимлиги томиридан тайёрланган қайнатмадир.

Бир дона шолғомни олиб, унинг ўртаси кавак қилиб, ўйиб чиқилади. Кейин у, элакка солиниб, қайнаб турган кастрюлка устига қўйилади (элак қопқоқ билан беркитилади). Бу бир соат давом этади, сўнгра женьшен томири картошкага ўхшаб юшмоқ ҳолга келгунча ушлаб турилади. Тайёр бўлгач, у шолғом ичига солиниб, ярмигача асал ва спирт қуйилади ва у қирқиб ташланган шолғом пўчоғи билан беркитилиб, бир кун тиндирилади. Шундан кейин ҳар куни 3 маҳал истеъмол қилинади. Йўтал ва бурун оқиши осонлик билан йўқолиб кетади.

Ҳуқуқ
ЮРИДИК ГАЗЕТА
Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида №00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти прокуратуралари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, академик Я.Ғуломов кўчаси,66-уй.
Телефонлар: 77-72-25, 133-82-34

Бош муҳаррир: Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати: Бўритош Сайфуллаев, Ботир Пўлатов, Бахтиёр Назаров (Бош муҳаррир ўринбосари), Мэлс Наимов, Дилшод Исломов (масъул котиб), Лола Шомуротова, Зайниддин Мамадалиев

Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ

Саҳифалаш ва дизайн ишларини Б.САИДОВ бажарган

«Ҳуқуқ» оригинал макети

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босилди. Манзил: Тошкент ш., Буюк Турон кўчаси, 41.

Бичими А-3. Нусхаси-12949. Буюртма Г-1035.

Муаллифларнинг фикри таҳририят фикридан фарқланиши мумкин. Кўчириб босилганда «Ҳуқуқ»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди

Брсмахонага топшириш вақти: 20.00. Топширилди: 20.20.
1 2 3 4 5 6 7 8 9
Сотувда эркин нархда